

КУН МАВЗУСИ:
ҲОКИМ ҚАБУЛИДА



JALAQUDUQ НАҲОТИ

Ижтимоий - сиёсий газета
Газета 1931 йил 30 октябрдан 2024 йил 19 январь 3 (3337)-сон, жума
Зчққа бошлаган (3334) ISSN 2010-5681

ХИТОЙЛИК МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КЕЛИШИЛДИ

Андижон вилоятида инвестиция муҳитини яхшилаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш ва қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоят ҳокими раҳбарлигида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.


Айни дамда вилоятимиз ҳокимининг Хитой Халқ Республикасига қилган ташрифи чоғида мамлакатнинг йирик корхона, концернлари ва ишбилармон доиралари билан бўлган учрашувларида тавсия этилган катта лойиҳаларни амалга оширишга кенг йўл очилди.

Манфаатдор томонлар келишув тавсияларига кўра ҳам келажақда вилоятимизга йирик инвестицияларни жалб қилиш бўйича музокаралар ўтказаетганлиги бежиз эмас.

Жалақудуқ тумани бу - республикамизнинг чекка ҳудудларидан бири. Кўшни Қирғизистон билан қарийиб 20 км. чегара бўладиган бўлса, бу чегара ҳудудида аҳолимиз кўп миллатли. Аҳоли сони 200 минга яқинлашмоқда.

Мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари, Президентимиз раҳбарлигида инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни кучайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Ана шу имкониятлар ва эътибордан келиб чиқиб, туманимиз ҳокими Ҳикматилло Латипов туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш ва соҳага йирик инвестицияларни



жалб қилиш истиқболи устида ҳам ишламоқда. Бу борада тегишли чора-тадбирларини кўрмоқда.

Бугун эрта тонгда вилоятимизга ўзининг йирик ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ва инвестиция олиб киришни кўзлаб ташриф буюрган Хитойнинг «TIANJIAO HONGAN AGRICULTURE HIGHTECH» компанияси раҳбарият вакиллари туманимизда бўлдилар.

Туман ҳокими қабулидаги учрашувда қишлоқ хўжалиги ерларида полиз маҳсулотларидан истеъмолдаги қалампир ўсимлигини етиштириш бўйича лойиҳани амалга оширишга қизиқиш билдирган хитойлик меҳмонлар учун етарли шароит ва имкониятлар яратишга келишилди.

Ана шу мақсадда тумanning Қатортол, А.Темур ва Т.Тошматов номли массивларидан 206 гектар ер майдонлари ажратилиши бўйича вилоят мутасаддиларга сўровномалар юборилди.

Айни дақиқаларда туман ҳокими Ҳикматилло Латипов Хитойнинг "Tianjiao Hongan Agriculture Hightech" компанияси раҳбари LI DAO FANG ва компания вакиллари билан туманда пахтани қайта ишлаш бўйича замонавий корхона ташкил қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалаларида музокаралар олиб бормоқда.

Ўз мухбиримиздан.

ҚЎШНИ ДАВЛАТДАН МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Қирғизистон Республикаси Ош Давлат Университети тарих фанлари доктори Т.Кадилов раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар, профессор ўқитувчилар, туманимизга ташриф қилдилар.

Меҳмонлар дастлаб тумандаги Ҳазрати Қутайб ибн Муслим зиёратгоҳини зиёрат қилишди. Бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, улар «Кутлуғ» маҳалласидаги 43-умумтаълим мактабининг янги қурилишини, аҳоли яшаш манзилидаги ободончилик ишларини кўрдилар. 73-ДИМ фаолияти билан танишиб, ўқитувчи-устозлар ҳамда укувчилар билан суҳбатда бўлишди.


Ташриф давомида меҳмонлар туманимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ва таълим-тарбия соҳасидаги амалий ишлар ва халқлар дўстлиги, биродарлик ва



яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга доир кўламли ишлардан мамнун бўлишди.

Меҳмонларга вилоят қирғиз миллий маданий маркази раиси О.Носиров ҳамроҳлик қилди.

Ўз мухбиримиздан.



ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ

Жалақудуқ туман прокуратураси томонидан 2023 йилнинг 12 ойи мобайнида қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ижтимоий, иқтисодий ҳимоя қилиш йўналишида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида ўтказилган 142та текшириш натижасига кўра 685 та аниқланган қонун бузилиши ҳолати бўйича 412та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Протест келтириш йўли билан мансабдор шахсларнинг 182та қонунга зид ва асоссиз ҳуқуқий ҳужжатлари бекор қилинди ёки қонунга мувофиқлаштирилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 107 та тақдимнома киритиш орқали бартараф этилиб, текшириш натижаларига кўра,

29нафар мансабдор шахс интизомий ва 51нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Текшириш натижаларига кўра етказилган 94.571млн. сўм зарар тўлиқ қопланиши таъминланди.

Хусусан, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси юзасидан назорат фаолиятидаги ўтказилган 11 та тадбир натижаларига кўра 18та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Мисол учун, туман ички ишлар бўлимида Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуни ижроси ҳамда ИИБ ХПБ ВЕ вайЎХПТЕГнинг 2023 йил ўтган давридаги фаолияти қонунчилиги ўрганилди.

Текшириш давомида, туман ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ишлар самарали ташкил этилмаганлиги оқибатида бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, жорий йилнинг 1 чораги давомида таълим муассасаларида ўтказилган "Давомат", "Тиг" ва "қора телефон" тадбирларида 5 нафар вояга етмаганлар ўткир тигли буюмлар олиб юрганлиги аниқланиб, уларнинг ота-оналарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси 1-қисми билан чора кўрилган бўлсада, ушбу содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини келгусида содир этилишини олдини олиш юзасидан таълим муассасаларида муҳокама қилинмаган.

Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш борасида 21 банддан иборат иш режа тузилган бўлсада, бироқ иш режалар ижроси бўйича амалга оширилган ишлар маълумоти

Жалақудуқ туман прокурори Б.Саидкамолонинг халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгашига ахборотидан

жамлаб берилмаган.

Жумладан, Иш режанинг 1-бандида туман ИИБ вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологлари томо-нидан 2022 йилнинг 4-чорагида туман ИИБ ВЕМБ ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар якуни бўйича муҳокама қилинган, шундан келиб чиқиб 1 чорак давомида амалга оширилаётган ишларни белгилаб олиш кўрсатилган бўлсада, ушбу ташкилий тадбир бажарилмаганлиги, режанинг 9-бандида чойхона ва ошхоналарда, бозорларда, савдо дўконларида ишлаб юрган вояга етмаганларни меҳнатидан фойдаланмаслик бўйича огоҳлантирув хатлар олинган ишлаётганлиги юзасидан масъул раҳбарларига нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун тегишли судга юбориш белгиланган бўлсада, бу борадаги ишлар етарли даражада ташкил этилмаган.

Шу билан бирга, узоқ муддатга кетган чет эл давлатларига кетган вояга етмаганларни қайтариш йўналиши бўйича ишлар жуда сусткашлик билан ташкил қилинган.

Мисол учун, Жорий йилнинг ҳолатига 76 нафар четга чиқиб кетган вояга етмаганлар аниқланган бўлсада, уларнинг атиги 29 нафарини ватанига қайтарилган бўлса, қолган 47 нафарини тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қайтариш чорлари кўрилмасдан, ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунининг 20-моддасида ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш йўналиши бўйича яқка тартибда профилактика ишлари олиб борилиши белгилаб қўйилган бўлсада, ўтган давр мобайнида инспектор психологлари томонидан фақатгина жиноят содир этган вояга етмаган билангина профилактика тадбирлари ташкил этилган ҳолос.

Текширишда, туман ВЕМБ профилактик ҳисобида турган Ўз.Рес.МЖТКнинг 47-моддаси билан жавобгарликка тортилган ота-оналарнинг йиғма жилдлари ўрганилганида бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлди.

Жумладан, Жалақудуқ тумани ИИБ ВЕМБ профилактик ҳисоб базасида (30 ноябрь ҳолатига) 48 нафар ота-оналар профилактик ҳисобда турган бўлиб, улардан 42 нафари билан профилактик суҳбат олиб борилган бўлиб, йиғма жилдларига ноябрь ойидан буён ушбу шахслар томонидан профилактик йиғма жилдларга имзо қўйилмаганлиги ҳолати аниқланган.

Тумандаги 54 та умумтаълим мактаблари ва 2 та касб-хунара

мактабларида тахсил олаётган жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар содир этишда мойил бўлган 98 нафар ўқувчилар рўйхатлари шакллантирилиб, улар билан профилактик суҳбатлар тўлиқ олиб борилган бўлсада, бироқ уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида вилоят Ёшлар агентлиги ҳамда Баркамол авлод болалар ижодиёт марказига, мусиқа ва санъат мактаблари, кутибхоналар, туман маданият бўлими қошидаги бадиий тўғарақларга жалб қилиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш чоралари кўрилмаган.

Жорий йилнинг 4 чорагида 5 нафар вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилишига йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг

23-моддасида, яқка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этишда вояга етмаганни турмуш тарзи, алоқалари ва нияти ҳуқуқбузарлик ёки бошқа гайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар содир этишининг оқибатлари тушунтирилиши ҳамда уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар кўрилиши, вояга етмаганларга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилиши белгиланган бўлсада, ушбу қонун талабларига тўлиқ риоя этилмаган.

Оқибатда, профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганларга нисбатан юритилган йиғма жилдларда қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланди.

Ижтимоий қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятида ўтказилган 23та текшириш натижаларига кўра 117та, шу жумладан, 75та протест, 25та тақдимнома киритиш, 15 та қарор каби прокурор назорати ҳужжати қўлланилиб, 6нафар шахс интизомий, 12нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2та жиноят иши қўзғатилиб, 59нафар юридик ва жисмоний шахсларни ҳуқуқлари тикланган.

Иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятида жами 26 та ўтказилган текшириш натижа-ларига кўра 125та, шу жумладан,

27та протест, 18та тақдимнома, 37 та қарор, 9та огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжати қўлланилиб, 6нафар шахс интизомий, 25нафари маъмурий, қўпол қонун бузилиш ҳолати юзасидан 9та жиноят иши қўзғатилиб, 33нафар шахсларнинг ҳуқуқи тикланган.

"Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги қонуни ижроси юзасидан Ж.Оламушук шаҳарчаси

ҳудудидаги Иттифоқ, Навоий МФЙ ҳудудида 29 донга кўп қаватли уйлар, 281 та хонадон аҳолиси учун 3,6 км оқова сув (канализация) тармоғи, 1 донга 1000 м³. тозалаш иншооти қуриб битказилган бўлиб, ҳозирги кунда 406 та хонадон оқова сув (канализация) тармоғига уланган. Ҳудуддаги кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар томонидан канализация тармоғи фойдаланишга топширилган бўлсада, фуқаролар билан шартнома қилинмаганлиги оқибатида тўплаш ховузи (канализация яма)си тўлиб қолиши натижасида хизмат кўрсатилмаган.

Шунингдек, қурувчи ташкилот томонидан Бозорбоши МФЙ, Гагарин кўчасида жойлашган 4 та кўп қаватли уйларда яшовчи хонадонлар учун тортилган оқова сув (канализация) тармоғи тармоқ тўплаш ховузи остига ўрнатилиб сифатсиз қилинган бўлса, Наъмуна МФЙ ҳудудидаги оқова сув (канализация) тармоғига ўрнатишга колодеслар ичидаги улаш тармоғи очилмаган ҳолда ташлаб кетилган.

Бундан ташқари, Бозорбоши МФЙ Гагарин кўчасида жойлашган 4, 6, 8-сонли ҳамда Хамза кўчасида жойлашган 6-сонли кўп қаватли уйларида хонадонларга ичимлик сув график асосида берилаётганлиги, уйларининг ташқи тамонида ичимлик суви мавжуд эмаслиги, ўзбошимчалик билан фуқаролар томонидан қилинган хандаклардан фойдаланиб келинаётганлиги, чиқиндиҳоналар ва иссиқлик тармоғи мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Шунингдек, Бозорбоши МФЙ О.Умаров кўчасида жойлашган

1-7-сонли кўп қаватли уйларида чиқиндилар йиғиш майдони ташкил этилмасдан Жалақудуқ туман "Анджон тезкор тозолов" МЧЖ томонидан ҳафтада бир маротаба сигнал тизими орқали олиб чиқиб кетилаётганлиги, ўзбошимчалик билан фуқаролар томонидан қилинган хандаклардан фойдаланиб келинаётганлиги, хонадонларга ичимлик сув график асосида берилаётганлиги, кўп қаватли уйларда иссиқлик тармоғи мавжуд эмаслиги аниқланди.

Ўтказилган назорат ўлчовида бажарилган ишлар далолатномасида кўрсатилган ишлар ҳажмига нисбатан 8.367.898 сўмлик ортиқча қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланди.

Юқоридаги аниқланган ҳолатлар юзасидан О.З, Ж.О ҳамда Н.Алар МЖТКнинг 61-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Туман қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси юзасидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида ўтказилган 21 та текшириш натижасига кўра 62 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Протест келтириш йўли билан мансабдор шахсларнинг 26 та қонунга зид ва асоссиз ҳуқуқий ҳужжатлари мувофиқлаштирилди, 98 та аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, 23 та тақдимнома киритиш орқали бартараф этилиб,

(Давоми 3-бетда).

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

текшириш натижаларига кўра, 5 нафар шахс интизомий, 12 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 7 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.

Туман прокуратураси томонидан 2023 йилнинг 12 ойи давомида судларда кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жорий йил 12 ойида жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман суди томонидан 224 нафар шахсларга нисбатан 164 та иш кўрилган бўлиб, ушбу ишларнинг барчасини кўрилишида прокурор иштироки таъминланган, шундан 36 нафар шахсларга нисбатан 36 та иш бўйича шахсан прокурор иштироки таъминланиб, давлат айблови қувватланган. Кўрилган жиноят ишлари бўйича прокурор томонидан айблов ҳулосасининг ҳулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни ўқиб эшиттирилиши лозимлиги ҳақидаги қонун талабига қатъиян риоя қилиниб, давлат айбловчиси томонидан судга ёзма фикр бериб борилган.

Шунингдек, иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш ҳамда судларда ягона суд амалиётини шакллантиришдаги фаолияти юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Туман прокуратураси томонидан Иқтисодийсудига 37 та, 1.255,513 минг. сўмлик даъво ариза киритилиб, даъво аризалар суд томонидан қаноатлантирилган.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш ҳамда судларда ягона суд амалиётини шакллантиришдаги фаолияти юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2023йилнинг 12 ойи давомида туман прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига8 та, даъво ариза киритилиб, даъво ариза суд томонидан қаноатлантирилган.

2023 йилнинг 12 ойида Жала - қудуқ туман прокуратураси органлари томонидан 32 та жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов жараёнида 7.434.790 млн сўмлик моддий зарарлар аниқланиб, 4.616.352 млн сўмлик зарани ундирилиши ахvoli таъминланди

Ўтган давр мобайнида туман прокуратураси терговчиси томонидан жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддаси тартибиде 2 та жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган.

Таҳсилларга кўра, 2022 йилнинг 12 ойида 10 нафар шахслар ўз жонига қасд ва суиқасд қилган бўлса, ўтган йилнинг 12 ойи давомида бу кўрсаткич 11 нафарни ташкил қилган.

Ўз жонига қасд ва суиқасд қилган шахсларнинг жинси бўйича

Жалақудуқ туман прокурори Б.Саидкамолловнинг халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгашига ахборотида

таҳлил қилинганда, жорий йилда ўз жонига қасд ва суиқасд қилган

10 нафар фуқаролардан 5 нафари аёл, 5 нафари эркак киши бўлса, ўтган йилнинг шу даврида 5 нафар аёл, 6 нафар эркаклар ўз жонига қасд ва суиқасд қилганлиги аниқланган.

2023 йилнинг 12 ойида ўз жонига қасд ва суиқасд қилган 11нафар шахслардан 4 нафари вафот этган бўлса, 7 нафарининг ҳаёти сақлаб қолинган.

2023 йилнинг 12 ойи давомида 1 нафари 18 ёшгача, 4 нафари 30 ёшгача, 6 нафари 30 ёшдан катта бўлган шахсларни ташкил қилган.

Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятида жами 30 та ўтказилган текшириш натижаларига кўра 38 та, шу жумладан, 11 та протест, 24 та тақдимнома прокурор назорати ҳужжати қўлланилиб, 7 нафар шахс интизомий, 4 нафар шахсларнинг ҳуқуқи тикланган.

Бундан ташқари, туман ҳудудида содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича барча сектор раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 10.09.2021 йилдаги 565-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, муҳокамлар ўтказилиши ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида ишлар ташкил этилган.

Шунингдек, қонунчилик тарғиботи ва ўз фаолиятига ошқоралик бериш борасида 242 та тадбирлар ўтказилган бўлиб, шундан маъруза, суҳбат ва бошқа оғзаки тадбирлар 227тани ташкил қилиб, оммавий ахборот воситаларида 15 та чиқишлар қилинган.

Фуқароларнинг мурожаатларига эътибор кучайтирилиб, келиб тушган 998 та ариза-шикоятнинг 501 таси ҳал этилиб, 241 таси қаноатлантирилган.

Бу даврда 918 нафар фуқаро қабул қилинган бўлса, шундан 666 нафари шахсан прокурор қабулида бўлган.

Туман прокуратураси ходимлари томонидан дастлабки терговнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўриб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2017 йилдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3182-сонли, 08.01.2019 йилдаги "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4102-сонли ва 17.01.2019 йилдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5633-сонли Фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда комплекс ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этиб келинмоқда.

Жалақудуқ тумани 2-сектор ҳудудида 17 та маҳалланинг 11 минг

071 та хонадонларида 55 минг 089 та аҳоли 15 минг 078 нафар оилаларда истиқомат қилади.

Хусусан, уйма-уй юриш ва ижтимоий объектларни ўрганишда жами 145 та (газ балон, ишга жойлашиш, уй-жой билан таъминлаш, тиббий ёрдам, имтиёзли кредит олиш ва бошқа сохалар) турли тоифада муаммолар аниқланган бўлиб, шулардан 112 нафари ҳал этилган, қолган муаммоларни тегишлилигига кўра кўриб чиқи-лиши таъминланмоқда.

Жорий йилнинг 2 чораги якунига кўра "Ёшлар дафтари"га киритилган 283 нафар ёшлардан 269 нафар ёшларга ёрдам кўрсатилиб, дафтаридан чиқарилди.

Булардан, 121 нафарини бандлиги таъминланди, 11 нафарини тўлов-контракт пуллари тўлаб берилди, 1 нафарига хайдовчилик гувоҳномаси олиб берилди, 48 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди, 3 нафарига 15 сотих ер майдонлари ажратилди, 15 нафарига даволаниш харажатлари ажратилган, 70 нафарига тур хил ёрдамлар кўрсатилган .

Ҳозирда, "Ёшлар дафтари"да 18 нафар ёшлар мавжуд бўлиб, ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

Секторда 3 босқич "Аёллар дафтари"га киритилган 1.118 нафар хотин-қизларга ёрдамлар кўрсатилиниб, 100% ижроси таъминланди.

Хозирда, "Аёллар дафтари"ни 4-босқич жараёни натижасида 1.602 нафар аёллар дафтарга киритилиб, натижада 99.8 % га ёрдам кўрсатилди. 2-секторда фуқароларни соғлигини сақлаш борасида куйидаги ишлар амалга оширилди;

Ёрқишлоқ, Бештол оилавий шифокор пунктларида Қутлуғ, Қашқар, Тошховуз, Ёрқишлоқ, Янги кўрпа, Ғалаба МФЙ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрса-тишда қулайлик яратиш мақсадида поликлиника ва оилавий шифокор пунктларида "Кундузги шифохона" куну-туну иш ташкил қилиниб, 234 нафар беморлар амбулатория шароитида даволанди.

Ҳудуддаги 17 та МФЙга саломатлик мактаблари ташкил қилиниб, 19 нафар ёшлар ўртасида эрта никоҳ ҳамда шаърий никоҳни олдини олиш, соғлом турмуш тарзи тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.

Жорий йилнинг 2-чорак давомида Қутлуғ, Қашқар, Ғалаба ва Янги кўрпа МФЙ аҳолиси учун малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрик ташкил қилиниб, 1.120 нафар фуқаролар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди, 22 нафарига даволаниш учун йўланма, 427 нафарига бепул дори дармонлар берилиши таъминланди.

Туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази томонидан 2-чорак давомида сектор ҳудудида яшовчи 48 нафар ишсиз фуқаролар мурожаат қилиб, шундан 34 нафари иқтисодиётнинг турли тармоқ-ларига ишга жойлаштирилиб,

бандлигини таъминлашга эришилди. 2-сектор ҳудудида электр-энергиясини таъминлаш юзасидан куйидаги ишлар амалга оширилди.

Аҳолига сифатли ва узлуксиз электр энергия етказиб бериш мақсадида қутлуғ МФЙ аҳоли хонадонлари электр таъминотини яхшилаш мақсадида, 8 дона бетон таянчлар ўрнатилиб, 2 км. 0,4 кВ замонавий СИП кабелли тортилди.

Янги кўрпа МФЙ, Тошховуз МФЙ, Бештол МФЙ ҳамда Ҳамза МФЙ ҳудудлариидан кесиб ўтувчи 10 кВли Ф. ҳаво тармоғи дарахт шохларидан тозаланди.

Жумладан, Бешкарам МФЙга 43 дона, Ғозичеки МФЙга 39 дона, темир бетон таянч ўрнатилиб, 1,5 км. 0,4 кВли ҳаво тармоғи тортилди.Йўл қурилиш ва таъмирлаш бўйича бир қанча ишлар бажарилди.

Сектор ҳудудида Республика аҳамиятидагии жами 19 км автомобил йўлларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳудудда яна 6.41 км шағаллаштириш ишлари амалга оширилди.

Ичимлик суви 17 та маҳалла кесимида 5,5 км. дан ортиқ масофага полиэтилен ажратилиб, 187 та хонадонга ичимлик суви фойдаланишга топширилди.

Ҳудуддаги мавжуд 1 та касб-хунар коллежи, 13 та мактабларда 10.679 дан ортиқ ўқувчилар, давлат ва хусусий жами 11 та мактабгача таълим муассасаларида 2.151 нафар мактабгача таълим ёши-дагилар бўлиб, 1.505 га яқин тарбияланувчилар (қамрови 70,3 %) таълим олиб келади, 1 та шифохона, ва 2 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 1-чорагида сектор раҳбари томонидан 24 маротаба сайёр ҳамда ёшлар қабуллари ташкил этилиб, шулардан 950 нафардан ортиқ фуқаролар иштрок этди.

Шундан, 91 нафар фуқаролар муаммоларини билдириб, уларнинг 85 нафарини муаммоси ҳал этилган бўлса, 6 нафарининг муаммоларини ҳал этиш бўйича масъул идораларга топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинган.

Келгусида туман прокуратураси асосий эътиборни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш ҳақларини ўз вақтида берилиши, тўлов ва шартнома интизомига риоя қилинишига, назорат идораларининг қонунчилик талабларига риоя этилишига, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлашга қаратади.

Шу билан бирга амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш, аёллар ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларни камайтириш, диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашиш ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан амалий ишларни ташкил қилиб ўз фаолиятини янада жадаллаштириб, прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли ва адолатли ижро этилишини таъминлайди.

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ!

SAVOL: Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etishning huquqiy ahamiyati nimada?

Qonun fuqarolarning shaxsiy va mulkiy huquqlarini himoyalashni hamda davlat va jamiyat manfaatlarini hisobga olgan holda, fuqarolar hayotidagi muhim voqealar - tug'ilish, nikoh tuzish, o'lim va insonning muhim subyektiv huquqlari va majburiyatlarining yuzaga kelishi, o'zgarishi va to'xtatishiga sabab bo'ladigan boshqa holatlarning vakolatli organlarda qayd etilishini belgilaydi.

Fuqarolik holatini qayd etish fuqarolarning huquq va burchlari paydo bo'lishiga sabab bo'lib xizmat qiluvchi hujjat (gerbli guvohnoma) berish uchun asos bo'ladi.



Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etishning ahamiyati shundaki, unga asosan FHDY organi tomonidan berilgan guvohnoma va unda ko'rsatilgan faktning to'g'riligini tasdiqlovchi shaksiz dalil hisoblanadi.

Tug'ilganlik haqidagi guvohnoma bolaning tug'ilganligini, uning ota-onasi kim ekanligini tasdiqlovchi yagona hujjatdir.

Nikoh qayd etilganligi haqida guvohnoma - bu nikohdan o'tgan shaxslarning er-xotinligini tasdiqlovchi va ular o'rtasida o'zaro huquq va majburiyatlarning vujudga kelganligini ifodalovchi hujjatdir.

Nikohdan ajralganlik haqida

guvohnoma nikohda bo'lgan shaxslarning nikohi tugatilganligini tasdiqlovchi hujjat hisoblanadi.

O'lim to'g'risidagi guvohnoma shaxsning o'limini va uning huquqiy layoqati tugatilganligini tasdiqlovchi hujjat hisoblanadi.

Tug'ilish va o'limning o'z vaqtida qayd etilishi, tug'ilganlik to'g'risidagi tibbiy ma'lumotnomaning, shuningdek perinatal o'lim va o'lim haqidagi tibbiy ma'lumotnomaning to'g'ri va aniq to'ldirilganligi uchun mas'uliyat O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash muassasalarida, tuman va shahar sog'liqni saqlash bo'limlari rahbarlari zimmasiga yuklanadi.

S.USMANOVA,
Buloqboshi tuman FHDY
bo'limi mudirasi.

MAMLAKATNING IJTIMOY-IQTISODIY RIVOJLANISHIDA AHOLINI RO'YXATGA Olishning ahamiyati va aholini ro'yxatga olish tarixi

Aholini ro'yxatga olish o'zi nima uchun kerak?

Ko'p yillik dasturlar, amalga oshirilayotgan tizimli o'zgarishlar va belgilab olinayotgan rejalar manzil aniq bo'lsagina, yuqori samara beradi.

Qo'limizda har bir hududga doir aniq faktlar bo'lsa, rejalарimiz ham, amallarimiz ham manzilli va puxta bo'ladi. Aynan shuning uchun bizga butun Respublika yoki viloyatni qamrab oladigan ishonchli ma'lumotlar kerak va ular doimiy ravishda yangilanib borilishi shart.

Bunday aniq va yaxlit ma'lumotlar esa aholini ro'yxatga olish asosida olinadi.

Shunga qarab o'tmish va bugun haqida fikr-mulohaza yuritish hamda kelajakni farazlash mumkin.

Aholini ro'yxatga olish aholining yoshi, jinsi, milliy tarkibi, ma'lumot darajasi, oilaviy holati, bandligi va boshqa tavsiflari haqida ma'lumot olishning yagona manbai hisoblanadi.

Aholini ro'yxatga olishning tarixi

Aholini ro'yxatga olish ya'ni odamlar hisobini yuritish amaliyoti ilk bor miloddan avvalgi 3-ming yillikdan boshlangan.

Bu jarayon dastlab Osiyo va Afrika davlatlari, Misr, Mesopotamiya, Hindiston, Xitoy va Yaponiyani qamrab



olgan. Bu islohotdan ko'zlangan maqsad soliq to'lovchilar va askarlikka yaroqli aholi sonini aniqlash bo'lgan.

Ilk o'rta asrlarda mazkur tartibotbirmuncha takomillashgan. Aholini hisobga olish elementlari xo'jaliklarning yozma kitoblar, kadastrlardagi tavsiflari bilan uyg'unlashgan.

Aholini universal ro'yxatga olish 1665 yilda Yangi Fransiya (Kvebek) koloniyasida bo'lib o'tdi. AQShda 1790 yilda to'liq aholini ro'yxatga olish ishlari olib borildi.

Aholini ro'yxatdan o'tkazish bo'yicha zamonaviy bosqich XX asrning o'rtalaridan boshlangan va o'sha davrda bir qator Osiyo mamlakatlarida aholi ro'yxatdan o'tkazilgan.

XX asrning oxiriga kelib esa aholini ro'yxatga olish dunyoning deyarli barcha hududini qamrab oldi.

Murodil SOTVOLDIYEV,
Jalaquduq tuman
statistika bo'limi boshlig'i.

МЕРОС ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси "Нотариат тўғрисида"ги Қонунининг 49-ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1116-моддаларига асосан, қуйидагиларнинг мулкларига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан мерос тариқасида ўзларига ўтиши мумкин бўлган ҳиссаларини расмийлаштириш ёки ўз хоҳишларига мувофиқ воз кечишлари ҳақида ариза бериш учун;

Янгисор МФЙ, Ахил кўчаси 3-уйда яшаган, марҳум **Дехканов Арабнинг**, Кесак МФЙ, Гулбахор кўчаси 71-уйда яшаган, марҳум **Иминов Комилжоннинг**, Намуна МФЙ, Навоий кўчаси 14 а-уйда яшаган, марҳум **Қўчқаров Фатидиннинг**, Намуна МФЙ, «Ғалабанинг 40 йиллиги» кўчаси 28-уйда яшаган, марҳум **Мирзарахимов Абдухалил Мамадалиевичнинг**, Иттифоқ МФЙ, Чека кўчаси 15-уйда яшаган, марҳум **Акбаров Асқарали Хайдаралиевичнинг**, Гулистон МФЙ, Гулистон кўчаси 9-уйда яшаган, марҳум **Жаббаров Абдулпаннаб Абдугаппаровичнинг**, Гулистон МФЙ, Маслахат кўчаси 21-уйда яшаган, марҳум **Самиев Маматқул Маматумаровичнинг**, Иттифоқ МФЙ, Умид кўчаси 10- уйда яшаган, марҳум **Хужам-қулов Абдуғани Райимкуловичнинг**, Шархончеки МФЙ, Янгиобод кўчаси 98-уйда яшаган, марҳум **Исамутдинов Мамаджаннинг** меросхўрларини Жалақудуқ шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 57-уйда жойлашган Жалақудуқ тумани ҳудудидан ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идорасига учрашлари сўралади.

Ер тузиш ва кўчмас мулк давлат Кадастри Жалақудуқ тумани филиали томонидан 04.04.2018 йилда Қадақсин МФЙ, Мингбулоқ кўчасидаги Тухсинова Дилнозахон Маннабовнага тегишли бўлган 211/49 ер Кадастр китобида 9/12 362 рақамли уй-жойга берилган кадастр ҳужжатлар тўплами йўқолганлиги учун **бекор қилинади.**

"ЖАЛАҚУДУҚ ҲАЁТИ"

Муассис:

Жалақудуқ туман

ҳокимлиги

Мухаррир

Шукурилло

ҲАЙИТОХУНОВ

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 18 январда 04-020 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди ва оригинал макет асосида «ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» МЧЖ ишлаб чиқариш бўлимида офсет усулида (А-3 ҳажмда, 4 бет) чоп этилган, электрон варианты нашрнинг ВЕБ сайтида, ижтимоий тармоқларда ёритиш учун тайёрланди, Баҳоси келишилган нархда. Манзил: Андижон вилояти Жалақудуқ шаҳри Ўзбекистон кўчаси 44-уй.

Жалақудуқ тумани
Жалақудуқ шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 44-уй.
Тел: 90-572-50-01

Навбатчи муҳаррир:

Ш.ЖАЛИЛ

Ўзбекистон

Ўзбекистон

Навбатчи ва мусакхх

Г.Эргашева

Нашр кўрсаткичи -4720